

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
Q A R O R I



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

10 май 2018 й. г. № 348

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Давлат хизматлари марказлари орқали электрон рақамли
имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калитининг
сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 12 декабрдаги ПФ-5278-сон Фармони ва “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ-3662-сон қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартиботини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўз ходимларини ушбу қарор билан тасдиқланган Маъмурий регламент тартиботларига тизимли равишда ўқитишни таъминласинлар.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Адлия вазири Р.Қ. Давлетов ҳамда Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р. Парпиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “10” _____ май даги
348 -сон қарорига
илова

**Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви
органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат
банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин
фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг
сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Маъмурий регламент Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматлари марказлари орқали ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калитлари сертификатларини бериш “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калитлари сертификатларини бериш” давлат хизматлари сифатида кўрсатилади.

Ушбу давлат хизматлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади.

3. Ушбу Маъмурий регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ЭРИ – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини ЭРИнинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда ЭРИ очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

ЭРИнинг ёпиқ калити – ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда ЭРИ яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг очик калити – ЭРИ воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, ЭРИ ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги ЭРИ ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИ калитининг сертификати – ЭРИнинг очиқ калити ЭРИнинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва ЭРИ ёпиқ калитининг эгасига ваколатли орган томонидан берилган электрон ёки қоғоз шаклидаги ҳужжат;

ЭРИ ёпиқ калитининг пароли – ЭРИнинг ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шартли белгилар кетма-кетлиги;

ЭРИнинг ёпиқ калити эгаси – ЭРИни яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва ваколатли орган томонидан унинг номига ЭРИ калити сертификати берилган жисмоний шахс;

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш – ЭРИ калитининг сертификати амал қилишини тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш ёхуд уни бекор қилиш.

4. Давлат хизматлари марказлари ҳамда ваколатли орган ўртасидаги ҳаракатлар ЭРИдан фойдаланилган ҳолда идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали амалга оширилади.

5. ЭРИ калитларининг сертификатларини бериш учун жисмоний ва юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида йиғим ундирилади, қонун ҳужжатларида ЭРИ калитларининг сертификатларини бепул олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади;

80 фоизи ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

7. ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати ЭРИ рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 24 ойдан ошмаслиги керак.

2-боб. ЭРИ калитининг сертификатини бериш тартиби

8. ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва ЭРИ калитларининг сертификатларини олиш учун жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари (кейинги ўринларда мурожаат этувчилар деб аталади) Давлат хизматлари марказларига бевосита ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) орқали электрон тарзда мурожаат қиладилар.

ЭРИ калитининг сертификатини бериш ушбу Маъмурий регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Бевосита мурожаат қилинганда Давлат хизматлари маркази ходими мурожаат этувчининг номидан, Ягона портал орқали мурожаат қилинган ҳолларда эса мурожаат этувчи мустақил равишда ушбу Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда давлат хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги сўровномани тўлдиради.

Мурожаат этувчи ЭРИ калитининг сертификатини олиш учун йиғим тўлайди. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ўқувчиларига электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари бепул берилади.

ЭРИ калитининг сертификатини олиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

Агар ЭРИ ёпиқ калити эгаси юридик шахснинг вакили (юридик шахснинг раҳбари бундан мустасно) бўлса, сўровномага ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ҳамда ушбу ЭРИ ёпиқ калити эгасига ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисида юридик шахснинг хати (ишончнома) илова қилинади.

Мурожаат этувчилардан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумотларни, шунингдек, бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

10. Давлат хизматлари маркази ЭРИ калитининг сертификатини бериш тўғрисидаги сўровномани қабул қилганидан сўнг йигирма дақиқа вақт ичида ундаги маълумотларни Давлат хизматлари маркази ходимининг ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда ваколатли органнинг ахборот тизимига идоралараро электрон ўзаро боғланиш йўли билан юборади.

11. Ваколатли органнинг ахборот тизимида Давлат хизматлари маркази томонидан юборилган маълумотлар кўриб чиқилиб, реал вақт режимида ЭРИ калитининг сертификати расмийлаштирилади ёки ЭРИ калитининг сертификатини бериш асосли равишда рад этилади.

12. Ваколатли органнинг ахборот тизимида сўровномани кўриб чиқишнинг натижаларига асосан расмийлаштирилган ЭРИ калити сертификати электрон ҳужжат шаклида Давлат хизматлари марказига идоралараро электрон ўзаро боғланиш йўли орқали юборилади.

13. ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ваколатли орган томонидан сўровномада кўрсатилган мобиль телефон рақамига смс-хабар шаклида юборилади. ЭРИ ёпиқ калити эгасининг Давлат хизматлари марказига бевосита қилган мурожаатига асосан сўровномада кўрсатилган мобиль телефон рақами ўзгартирилиши ёки ЭРИ ёпиқ калитининг пароли қайта юборилиши мумкин.

14. ЭРИ калитининг сертификатини олиш учун ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси Давлат хизматлари маркази ходимиغا ЭРИ калитларини ва ЭРИ калитининг сертификатини электрон ҳужжат шаклида ёзиб қўйиш ва сақлаш учун ўзга маълумотлар манбаини тақдим этади.

15. Давлат хизматлари маркази ходими ЭРИ калитини ва ЭРИ калитининг сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш вақтида қуйидагиларни амалга оширади:

ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) асосида унинг шахсини аниқлайди;

таркибида рўйхатга олинган ЭРИ калитлари ва электрон ҳужжат шаклидаги ЭРИ калитининг сертификати бўлган файлни мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаига ёзиб қўяди ва файлнинг ёзилганлигини текширади;

ЭРИ калитининг сертификатини қоғоз ҳужжат шаклида талаб этилган тақдирда икки нусхада чоп этилади ва ҳар бир нусхаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан имзоланиб бир нусхаси ЭРИ ёпиқ калити эгасига берилади.

16. Давлат хизматлари маркази ходими ЭРИ калити сертификатини ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш жараёнида мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ўзга маълумотлар манбаидаги маълумотларга ўзгартириш киритиши, улардан нусха олиши ва ўчириши, ўзида сақлаш ҳамда ЭРИ ёпиқ калити эгасидан ЭРИ ёпиқ калити паролини сўраб олиши тақиқланади.

17. Ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этишга қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

муурожаат этувчи тақдим этган сўровномада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ЭРИ калитининг сертификатини бериш учун тўлов амалга оширилмаганлиги, конун ҳужжатларида ЭРИ калитларининг сертификатларини бепул олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

муурожаат этувчининг ҳужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, ЭРИ калитининг сертификатини бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномани унинг аниқ асосларини кўрсатган ҳолда Давлат хизматлари марказига юборади. Агарда муурожаат этувчининг сўровномаси ваколатли органга тўғридан-тўғри Ягона портал орқали келиб тушган бўлса, ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома муурожаат этувчининг ўзига Ягона портал орқали автоматик равишда юборилади.

19. Давлат хизматлари маркази ваколатли органдан ЭРИ калитининг сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарнома олинган вақтдан бошлаб йигирма дақиқа ичида муурожаат этувчини хабардор қилади.

20. ЭРИ калитининг сертификатини беришнинг рад этилишига асос бўлган сабаблар муурожаат этувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, сўровномани қайта кўриб чиқиш муурожаат этувчи томонидан Давлат хизматлари марказига ёки Ягона портал орқали ваколатли органга рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда тақдим этилган сўровнома олинган вақтдан бошлаб ушбу Маъмурий регламентнинг 10–15-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Сўровномаи қайта кўриб чиқишда ваколатли орган томонидан ЭРИ калитининг сертификатини бериш илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рад этилишига йўл қўйилмайди. Такрорий муурожаат кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

21. Муурожаат этувчи ваколатли органнинг ЭРИ калити сертификатини беришни рад этиш тўғрисидаги хабарномаси, шунингдек ваколатли орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

3-боб. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш

22. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун ушбу Маъмурий регламентга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда давлат хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги сўровнома Давлат хизматлари марказига бевосита мурожаат қилган ҳолда тўлдирилади.

ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш бепул амалга оширилади.

23. Агар ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровнома билан бирга ЭРИ ёпиқ калити эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисида юридик шахснинг хати (ишончнома) тақдим этилади.

Бунда, мурожаат этувчи ЭРИ ёпиқ калитининг эгаси бўлса, ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун юридик шахснинг хати (ишончнома) талаб этилмайди.

24. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани қабул қилиш вақтида Давлат хизматлари марказининг ходими ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) асосида унинг шахсини аниқлайди.

Бунда, ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш учун юридик шахснинг хати (ишончнома) тақдим этилганда, ЭРИ ёпиқ калити эгасининг шахсини аниқлаш талаб этилмайди.

25. Давлат хизматлари маркази ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани қабул қилганидан сўнг уни йигирма дақиқа ичида ваколатли органга юборади.

26. Ваколатли орган ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани реал вақт режимида кўриб чиқади ва сўровномада кўрсатилган ЭРИ калитининг сертификати билан зарур бўлган ҳаракатларни амалга оширади.

27. ЭРИ калитининг сертификатини бошқариш тўғрисидаги сўровномани кўриб чиқиш натижалари ва ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан Давлат хизматлари марказига электрон ҳужжат шаклида юборилади.

28. Давлат хизматлари маркази ЭРИ калитининг сертификати билан амалга оширилган ҳаракатлар ҳақидаги маълумотлар олинган вақтдан бошлаб йигирма дақиқа ичида бу ҳақида мурожаат этувчини хабардор қилади.

4-боб. Давлат хизматлари марказлари ходимларининг ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш ва сертификат бериш ҳамда берилган сертификатларни бошқариш

29. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари хатлари асосида бепул равишда бошқарма ходимларининг ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказди, сертификатларни беради ва берилган сертификатларни бошқаради.

30. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари ваколатли органда рўйхатдан ўтказилган ЭРИ калитлари ёрдамида Давлат хизматлари марказларининг ходимларига ушбу Маъмурий регламентда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказди, сертификатларни беради ва берилган сертификатларни бошқаради.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

31. ЭРИ калитларининг сертификатлари қоғоз ҳужжат шаклида берилган тақдирда ваколатли орган уларни сақлаш учун Давлат хизматлари марказларидан ушбу Маъмурий регламентга 3-иловага мувофиқ ЭРИ калитининг сертификатлари реестри бўйича ҳар чоракда кейинги ойнинг 25-кунигача электрон шаклда қабул қилиб олади.

32. Ушбу Маъмурий регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

**Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Мурожаат этувчи	1. ЭРИ калити сертификатини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда мурожаат этиш ёки Ягона портал орқали мурожаат қилиш; 2. Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғимни тўлаш.	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилинганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ягона портал	1) Мурожаат этувчи номидан сўровномани тўлдириш ҳамда ваколатли органга юбориш. 2) Сўровномани ваколатли органга юбориш.	1. 20 дақиқа ичида 2. Автоматик равишда
3-босқич	Ваколатли орган (Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази)	1. Такдим этилган маълумотларни кўриб чиқиш. 2. ЭРИ калитларини рўйхатга олиш ва ЭРИ калити сертификатини расмийлаштириш ёки рад этиш хабарномасини тайёрлаш. 3. ЭРИ калити сертификатини реестрга киритиш, мурожаат этувчига смс-хабар шаклида ЭРИ калити паролени жўнатиш. 4. Расмийлаштирилган ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини давлат хизматлари марказига юбориш.	Автоматик равишда
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	1. Ваколатли органдан ЭРИ калити сертификатини ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш хабарномасини олиш. 2. ЭРИ ёпиқ калити эгаси шахсини аниқлаш, ЭРИ калитларини ва ЭРИ калити сертификатини ўзга маълумотлар манбаига ёзиш. 3. Қоғоз ҳужжат шаклидаги ЭРИ калити сертификатини расмийлаштириш ва ЭРИ ёпиқ калити эгасига бериш ёки асосланган сабабларга кўра рад этиш.	20 дақиқа ичида

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

**Электрон рақамли имзо калити сертификатини олиш учун
С Ў Р О В Н О М А**

I. Мурожаат мақсади:	
1-1	☐ Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш
1-2	☐ Электрон рақамли имзо калитининг сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш
1-3	☐ Электрон рақамли имзо калитининг сертификатининг амал қилишини қайта тиклаш
1-4	☐ Электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бекор қилиш
II. Мурожаат этувчи тўғрисида маълумотлар:	
2-1	Жисмоний шахс:
2-1-1	Фамилияси:
2-1-2	Исми:
2-1-3	Отасининг исми:
2-1-4	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР):
2-1-5	☐ Касб-хунар коллежи ёки академик лицей ўқувчиси
2-2	☐ Юридик шахс:
2-2-1	Юридик шахснинг тўлиқ номи:
2-2-2	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): <i>Изоҳ: 2-2, 2-2-1 ва 2-2-2-бандлар жисмоний шахс - юридик шахс раҳбари ва/ёки вакили сифатида сўровномани тақдим этганида, 2-1-бандга қўшимча равишда тўлдирилади ва сўровномага юридик шахснинг хати (ишончнома) илова қилинади.</i>
2-3	ЭРИ ёпиқ калитининг пароли ва сўровномани кўриб чиқиш натижаси тўғрисидаги хабарномани юбориш учун мобиль телефон рақами:
III. Қўшимча маълумотлар:	
3-1	Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришда/қайта тиклашда/бекор қилишда:
3-1-1	Электрон рақамли имзо калитининг сертификати:
3-1-1-1	Серияли тартиб рақами:
3-1-1-2	Берилган сана: ____ / ____ / ____ й.
3-2	☐ 1) Рўйхатга олиш марказининг оммавий офертаси талаблари ва шартлари билан танишлигимни ва унга риоя этишни ўз зиммамга олишимни тасдиқлайман. 2) Давлат хизмати олиш учун тақдим этилаётган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман. 3) Ишончсиз маълумотлар тақдим этилган тақдирда давлат хизмати кўрсатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этилиши мумкинлиги менга маълум.
3-3	Мурожаат этувчининг имзоси
IV. Хизмат бўйича қайдлар:	
4-1	Сўровномани қабул қилиш санаси ва вақти: ____ / ____ / ____ й. ____ :
4-2	Сўровноманинг уникал рўйхатдан ўтказиш рақами:
4-3	Давлат хизматлари маркази ходимининг имзоси, исми ва лавозими

Давлат хизматлари марказлари орқали давлат
ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат
ҳокимияти органлари ҳамда тижорат банклари
томонидан кўрсатиладиган барча турдаги
хизматлардан эркин фойдаланишни таъминлайдиган
электрон рақамли имзо калитининг сертификатини
бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

_____ туман (шаҳар) Давлат хизматлари маркази орқали 20__ йил __ чоракда берилган
электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари
РЕЕСТРИ

т/р	ЭРИ ёпиқ калити эгасининг Ф.И.О.	Берилган сана	ЭРИ калити сертификатнинг рақами	ЭРИ калити сертификатининг амал қилиш муддати	Изоҳ

Ваколатли органга _____ та қоғоз ҳужжат шаклидаги имзоланган ЭРИ калитларининг сертификатлари
топширилди.

Топширди

Қабул қилди

(имзо)

(Давлат хизматлари
маркази ходимининг
Ф.И.О.)

(имзо)

(ваколатли орган
ходимининг Ф.И.О.)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.